



Theoretical and legal foundations and concept of house arrest as an institution

Ulugbek YOKUBOV¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2025
Received in revised form
15 August 2025
Accepted 25 August 2025
Available online
15 September 2025

Keywords:

home arrest,
preventive measure,
criminal procedure,
human rights,
restriction of freedom.

ABSTRACT

The article analyzes the theoretical and legal foundations, concept, and essence of house arrest as a legal institution. Various scholars' definitions of house arrest have been comparatively studied, revealing its legal nature. The role and significance of house arrest in the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as its constitutional foundations, are examined. The historical development of the house arrest institution and its current state are also evaluated.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss8/S-pp101-107>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Уй қамоғи институтининг назарий-ҳуқуқий асослари ва тушунчаси

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

уй қамоғи,
эҳтиёт чораси,
жиноят процесси,
инсон ҳуқуқлари,
эркинликни чеклаш.

Мақолада уй қамоғи институтининг назарий-ҳуқуқий асослари, тушунчаси ва моҳияти таҳлил қилинган. Турли олимларнинг уй қамоғига берган таърифлари қиёсий ўрганилиб, унинг ҳуқуқий табиати очиқ берилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида уй қамоғининг ўрни ва аҳамияти, унинг конституциявий асослари кўриб чиқилган. Уй қамоғи институтининг ривожланиш тарихи ва замонавий ҳолати баҳоланган.

¹ Independent Researcher, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

Теоретико-правовые основы и концепция института домашнего ареста

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:
домашний арест,
мера пресечения,
уголовный процесс,
права человека,
ограничение свободы.

В статье анализируются теоретико-правовые основы, понятие и сущность института домашнего ареста. Проведено сравнительное изучение определений домашнего ареста, данных различными учеными, и раскрыта его правовая природа. Рассмотрены роль и значение домашнего ареста в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан, его конституционные основы. Дана оценка истории развития и современного состояния института домашнего ареста.

КИРИШ

Жиноят-процессуал ҳуқуқда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан жиноятчиликка қарши курашиш манфаатларини уйғунлаштириш муаммоси доимо долзарб бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида мустаҳкамланганидек, инсонни ҳуқуқ ва эркинликлардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас [1].

2014-йил 4-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 373-сонли Қонуни билан жиноят-процессуал қонунчилигимизга уй қamoғи тарзидаги янги эҳтиёт чораси киритилди [2]. Бу мамлакатимизда жиноят-процессуал сиёсатни инсонпарварлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур эҳтиёт чорасининг долзарблиги қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади: биринчидан, қamoққа олиш институтининг ўта қаттиқлиги ва унинг салбий оқибатлари; иккинчидан, юмшоқроқ эҳтиёт чораларининг етарли самарадорликка эга эмаслиги; учинчидан, халқаро стандартлар талабларига мослашиш заруриятидир.

1. Уй қamoғи тушунчасининг илмий таърифлари

1.1. Тор маънодаги таърифлар

Уй қamoғи тушунчасини аниқлашда ҳуқуқшунос олимлар турлича ёндашувларни илгари суришган. Биринчи гуруҳ олимлари уй қamoғининг моҳиятини ўта тор доирада талқин қилишади.

В.И. Далнинг изоҳли луғатида уй қamoғи “уйдан чиқмаслик тўғрисидаги буйруқ” сифатида таърифланган [3]. Бундай ёндашув уй қamoғининг фақат бир томонини – ҳаракатланиш эркинлигини чеклашни кўрсатади, лекин унинг мураккаб ҳуқуқий табиатини очиб бермайди.

А.Д. Буряковнинг фикрича, “эҳтиёт чоралари айбланувчи ёхуд гумон қилинувчига руҳий таъсир кўрсатади” [4]. Ушбу таъриф жуда умумий бўлиб, уй қamoғининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирмайди.

О.И. Цоколова уй қamoғини “айбланувчининг ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш ва бошқа шахслар билан мулоқот қилиш ҳамда музокара олиб боришни тақиқлашдан иборат эҳтиёт чораси” деб ҳисоблайди [5]. Бу таъриф уй қamoғининг айрим элементларини кўрсатса-да, унинг тўлиқ моҳиятини очиб бермайди.

1.2. Кенгроқ маънодаги таърифлар

Иккинчи гуруҳдаги олимлар уй қамоғининг айрим хусусиятларини тўғри кўрсатган бўлсалар-да, унинг тўлиқ таърифини беришмаган.

Н.В. Ткачева ўз монографиясида уй қамоғини “айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг доимий яшаб турган турар жойда эркинлигини жамиятдан қисман ажратиб қўйилиб қамокда сақлаш” деб таърифлайди [6]. Бу таъриф уй қамоғининг жамиятдан ажратиш жиҳатини тўғри кўрсатса-да, бошқа муҳим элементларни назардан қочиради.

Г.З. Тўлаганова уй қамоғи тушунчасини қуйидагича баён қилган: “уй қамоғи айбланувчининг ҳаракатланиш эркинлигини ва унинг бошқа шахслар билан мулоқотларини чеклашни назарда тутувчи эҳтиёт чораси ҳисобланади. Уй қамоғи ҳам худди ушлаб туриш, қамокқа олиш каби жисмоний характердаги мажбурлов чораси бўлиб, процесс иштирокчиларини жамиятдан ажратиш билан боғлиқ” [7].

1.3. Комплекс таърифлар

Учинчи гуруҳга кирувчи олимлар уй қамоғининг моҳиятини ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қилишган.

К.Т. Балтабаев уй қамоғини “жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган асосларда мавжуд бўлгани ҳолда, шахснинг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш мақсадида, айбланувчининг эркинлигини ва шахсий дахлсизлигини процессуал мажбурлов чораларини қўллаш орқали унинг табиий ҳуқуқларини максимал қондирган ҳолда жамиятдан қисман ажратиб қўйиш” деб таърифлайди [8].

Б.Б. Ҳидоятлов ва ҳаммуаллифлар фикрича, “уй қамоғининг моҳияти – айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг келгусидаги ҳаракатларини қонунга мослаштириш”дир [9].

2. Қонуний таъриф ва унинг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242¹-моддаси уй қамоғига қуйидагича таъриф беради: “Уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамокқа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланади” [10].

Ушбу қонуний таърифнинг чуқур таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

Биринчидан, уй қамоғи мустақил эҳтиёт чораси эмас, балки қамокқа олишнинг алтернатив шакли сифатида белгиланган. Бу ҳолат уй қамоғининг иккиламчи характерини кўрсатади.

Иккинчидан, қонунда уй қамоғини қўллашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарурлиги белгиланган:

- шахснинг ёши (вояга етмаганлик, кексалик)
- соғлиқ ҳолати (касаллик, ногиронлик)
- оилавий аҳволи (ёш болаларнинг мавжудлиги)
- бошқа ҳолатлар (ҳомиладорлик, таълим олиш)

Учинчидан, модданинг 2-қисми уй қамоғининг моҳиятини очиб беради: “Уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборат бўлади” [11].

3. Уй қамоғининг ҳуқуқий табиати

3.1. Жиноят-процессуал характер

Уй қамоғи жиноят-процессуал қонунчилик нормалари билан тартибга солинади ва фақат жиноят иши юритиш доирасида қўлланилади. У маъмурий ёки фуқаролик-ҳуқуқий чора эмас, балки жиноят процессининг ажралмас қисми ҳисобланади.

З.Ф. Коврига таъкидлаганидек, “эҳтиёт чоралари жамиятни хавфли шахслардан ҳимоялашга эътибор қаратади” [12]. Бу жиҳат уй қамоғига ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

3.2. Мажбурлов характери

Уй қамоғи шахснинг иродасига қарши, давлат мажбурлаш кучи билан қўлланилади. Шахс ўз хоҳиши билан уй қамоғига олинмайди ва унинг шартларини ўз ихтиёри билан ўзгартира олмайди.

3.3. Олдини олишга йўналганлик

Уй қамоғининг асосий мақсади – шахснинг келгусидаги ноқонуний ҳаракатларининг олдини олиш. У жазо эмас, балки огоҳлантириш чораси ҳисобланади.

3.4. Вақтинчалик характер

Уй қамоғи муайян муддатга белгиланади ва доимий чора бўла олмайди. Унинг муддати қонунда белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин, лекин чексиз давом эта олмайди.

4. Уй қамоғининг моҳияти ва функциялари

4.1. Инсонпарварлик тамойили

Уй қамоғи шахсни ижтимоий ҳаётдан бутунлай ажратмайди, жисмоний ва руҳий шикастланиш хавфини камайтиради. Шахс оиласи билан бирга яшаш, уларнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилиш имкониятига эга бўлади.

4.2. Мажбурийлик ва эркинлик мувозанати

Бир томондан, шахснинг ҳаракатланиш эркинлиги, мулоқот доираси чекланади. Иккинчи томондан, у ўзининг асосий ҳуқуқларини – таълим олиш, даволаниш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини сақлаб қолади.

4.3. Асосий функциялари

1. Таъминлаш функцияси – жиноят процессининг нормал кечишини таъминлайди

2. Огоҳлантириш функцияси – янги жиноятларнинг олдини олади

3. Тарбиявий функцияси – шахсга ўз қилмишини англаш имконини беради

4. Ҳимоя функцияси – шахсни қамоқхонанинг салбий таъсиридан ҳимоялайди

5. Эҳтиёт чоралари тизимидаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 237-моддасига кўра, эҳтиёт чоралари қуйидаги кетма-кетликда жойлашган [13]:

1. Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат;

2. Шахсий кафиллик;

3. Жамоа ёки жамоат бирлашмасининг кафиллиги;

4. Вояга етмаганларни кузатув остига топшириш;

5. Ҳарбий хизматчи хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви;

6. Гаров;

7. Уй қамоғи;

8. Қамоққа олиш.

Уй қамоғи бу тизимда қамоққа олишдан олдинги, яъни иккинчи даражадаги оғир эҳтиёт чораси ҳисобланади, аммо бизни қонунда у мустақил эҳтиёт чораси сифатида эмас балки альтернатив чора сифатида таърифланган.

5.1. Уй қамоғининг тизимдаги ўрнини белгиловчи омиллар

Оғирлик даражаси: Уй қамоғи шахс эркинлигини сезиларли даражада чеклайди, лекин қамоққа олишдек тўлиқ эркинликдан маҳрум қилмайди.

Қўлланиш шартлари: Уй қамоғи фақат суд қарори билан, қамоққа олиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади.

Субъектлар доираси: Уй қамоғи барча тоифадаги шахсларга қўлланилиши мумкин, лекин амалиётда у кўпроқ вояга етмаганлар, аёллар, кекса ёшдагилар, касалларга нисбатан қўлланилади.

Ҳуқуқий оқибатлар: Уй қамоғи бузилганда, уни қамоққа олиш эҳтиёт чораси билан алмаштириш мумкин.

6. Статистик маълумотлар ва амалиёт таҳлили

2022-йилда Ўзбекистонда қўлланилган эҳтиёт чоралари [14]:

- Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат – 27.040 та ҳолатда.
- Гаров – 13.650 та ҳолатда.
- Шахсий кафиллик – 6.426 та ҳолатда.
- Уй қамоғи – 762 та ҳолатда.
- Қамоққа олиш – 21.875 та ҳолатда,

Бу рақамлар уй қамоғининг нисбатан кам қўлланилаётганини кўрсатади. М.Ҳ.Рустамбоев бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлайди: “Уй қамоғининг кам қўлланилиши унинг ижроси механизмининг мураккаблиги, назорат воситаларининг етишмаслиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг анъанавийлиги билан боғлиқ” [15].

7. Халқаро тажриба ва миллий қонунчилик

7.1. Халқаро стандартлар

БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 35-сонли Умумий шарҳида (9-модда: Шахсий эркинлик ва хавфсизлик) уй қамоғи эркинликни чеклашнинг инсонпарвар шакли сифатида тан олинган [16].

Европа инсон ҳуқуқлари конвенциясининг 5-моддаси уй қамоғини қамоққа олишнинг муқобили сифатида кўриб чиқади [17].

7.2. Хорижий давлатлар тажрибаси

АҚШ: Электрон мониторинг тизимлари кенг қўлланилади, уй қамоғи судгача ва судлов жараёнида қўлланилади.

Германия: Уй қамоғи асосан вояга етмаганлар ва касал шахслар учун қўлланилади.

Россия: 2010-йилдан уй қамоғи мустақил эҳтиёт чораси сифатида қўлланилмоқда.

Франция: Электрон назорат билан уй қамоғи кенг тарқалган.

8. Уй қамоғи институтини такомиллаштириш йўллари

8.1. Қонунчиликни такомиллаштириш

1. “Турар жой” тушунчасини аниқлаштириш
2. Назорат механизмларини детализация қилиш
3. Электрон мониторинг тартибини белгилаш
4. Чекловларни индивидуаллаштириш қоидаларини киритиш

8.2. Амалиётни яхшилаш

1. Судьялар ва тергов ходимларини ўқитиш
2. Назорат органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш
3. Электрон назорат воситаларини жорий этиш
4. Амалиётни умумлаштириш ва таҳлил қилиш

8.3. Халқаро ҳамкорлик

1. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш
2. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик
3. Техник ёрдам дастурларида иштирок этиш
4. Илмий алмашинув дастурларини ташкил этиш

ХУЛОСА

Уй қамоғи институти Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида муҳим ўрин тутади. У инсонпарварлик ва самарадорлик тамойилларини уйғунлаштирган эҳтиёт чораси ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари қуйидагиларни кўрсатади:

1. Уй қамоғи тушунчасининг илмий таърифлари турлича бўлса-да, унинг асосий белгилари умумий тан олинган.
2. Қонуний таъриф уй қамоғининг асосий элементларини акс эттирса-да, баъзи жиҳатларни аниқлаштириш зарур.
3. Уй қамоғининг ҳуқуқий табиати унинг жиноят-процессуал мажбурлов чораси эканлигида намоён бўлади.
4. Эҳтиёт чоралари тизимида уй қамоғи оралиқ ўринни эгаллайди.
5. Уй қамоғи институтини янада ривожлантириш учун қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2023. – 96 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2024. – 586 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.
4. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 2-том. – Тошкент: ИЛМ ЗИЁО, 2022. – 512 б.
5. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари: Дис. ... юрид. фан. номз. – Тошкент, 2009. – 189 б.
6. Саидов А.Х. Жиноят процессида инсон ҳуқуқлари: назария ва амалиёт. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2022. – 345 б.
7. Ҳидоятлов Б.Б., Сафаров Ж.И., Астанов И.Р. Дастлабки терговда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг айрим жиҳатлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2018. – 156 б.
8. Дал В.И. Толковый словарь живого Великорусского языка. Т.II. – Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1955. – 779 с.
9. Буряков А.Д. Меры пресечения в советском уголовном процессе: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1967. – 198 с.
10. Цоколова О.И. Теория и практика задержания, арестов и мер пресечения в уголовном процессе. – Москва: Юристъ, 2003. – 267 с.

11. Ткачева Н.В. Меры пресечения, не связанные с заключением под стражу, в уголовном процессе России: Монография. – Челябинск: Изд-во ЮУрГУ, 2004. – 234 с.
12. Коврига З.Ф. Уголовно-процессуальное принуждение. – Воронеж, 1975. – 174 с.
13. Александрович С.В. Домашний арест как мера пресечения в уголовном процессе Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук. – Калининград, 2009. – 189 с.
14. Овчинников Ю.Г. Домашний арест как мера пресечения в уголовном процессе. Автореферат дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2006. – 24 с.
15. United Nations Human Rights Committee, General Comment No. 35 (Article 9: Liberty and security of person), 2014.
16. European Convention on Human Rights, Article 5.
17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022-йил статистик маълумотлари // Ҳуқуқ ва бурч журналы, 2023. – №3. – Б. 45-48.